

“ТАСДИҚЛАЙМАН”  
Наманган шаҳар Ободонлаштириш  
бошқармаси бошлиғи  
Х.Казакбаев  
февраль 2022 йил



# ТЕХНИК ТОПШИРИК

(техническое задание)

Наманган шаҳар И.Каримов кўчасига (Дўстлик  
буюм бозори чорраҳасигача) иллюминацион  
ёритиш тизимларини жорий таъмирлаш ишлари

БЮОРТМАЧИ: Наманган шаҳар Ободонлаштириш бошқармаси

Наманган-2022

**Наманган шаҳар И.Каримов кўчасига (Дўстлик буюм бозори  
чорраҳасигача) иллюминацион ёритиш тизимларини жорий таъмирлаш  
ишлари бўйича**  
**ТЕХНИК ТОПШИРИК**

<b>№</b>	<b>Асосий талаблар (основный требования)</b>	<b>Асосий маълумот ва талаблар (основный информация и требования)</b>
1.	Бюртмачи (заказчик)	Наманган шаҳар Ободонлаштириш бошқармаси
2.	Тўлов шартлари (условия оплаты)	<p>«Буюртмачи» ва «Пудратчи» ўртасида шартнома тузилгандан сўнг, бажариладиган ишлар бўйича ишни бошлишдан олдин шартнома суммасининг 30% микдорида тulos тўлаб берилади ва тасдиқланган бажарилган ишлар далолатномаси Ф-2 Ф-3 га асосан «Пудратчи» томонидан 10 кун муддат ичидаги суммани ўтказишни амалга оширилади.</p> <p><i>(После заключения договора между «Заказчиком» и «Исполнителем», до начала работ по выполненным работам, производится оплата в размере 30% от суммы договора и Исполнитель перечисляет сумму в течение 10 дней в соответствии с утвержденным актом Ф-2 Ф-3)</i></p>
3.	Тўлов валютаси (валюта платежа)	Миллий валюта – сўм (сум)
4.	Хизмат кўрсатиш шартлари (условия оказания услуг)	Техник топшириклар Буюртмачининг манзилида амалга оширилиш лозим. <i>(согласно техническому заданию, по адресу Заказчика)</i>
5.	Етказиб бериш вақти (срок поставки)	2022 йил феврал иккинчи ярми
6.	Молиялаштириш манбаи (источник финансирования)	Бюджет
7.	Танлов шартлари (условия выбора)	Иловада кўрсатилган барча шартларнинг бажарилиши.

“ТАСДИҚЛАЙМАН”  
Наманган шаҳар Ободонлаштириш  
бошқармаси бошлиғи  
Х.Казакбаев  
февраль 2022 йил

Наманган шаҳар И.Каримов кўчасига (Дўстлик  
буюм бозори чорраҳасигача) иллюминацион  
ёритиш тизимларини жорий таъмирлаш ишлари

## ТАНЛОВ ХУЖЖАТЛАРИ

БЮОРТМАЧИ: Наманган шаҳар Ободонлаштириш бошқармаси

Наманган-2022

## 1.ТАНЛОВ ПРЕДМЕТИ ВА ТАҲЛИЛИЙ ҚИЙМАТИ

### 1.1. Товар ва хизматларинг характеристикаси

№	Номи	микдори
1	Наманган шаҳар И.Каримов кўчасига (Дўстлик буюм бозори чорраҳасигача) иллюминацион ёритиш тизимларини жорий таъмирлаш ишлари	650 комплект

1.2. Танлов қиймати **527 091 937** (беш юз ийигирма етти миллион тўқсон бир минг тўққиз юз ўттиз етти) сўм. Ушбу қийматдан ортиқ қийматдаги таклифлар қабул қилинмайди ва кўриб чиқилмайди.

1.3. Махсулот бўйича Техник топширик танлов хужжатларининг техник қисмда илова қилинган.

**Ушбу танлов якунлари бўйича ғолиб чиқсан бажарувчи ташкилот билан шартнома тузилади.**

1.4. Ишларни бажариш муддати шартнома имзоланган кундан бошлаб 20 календарб кун.

1.5. Ишларни бошлаш муддати-аванс маблағи ўtkазилган кундан бошлаб хисобланади.

### 2.ТАНЛОВ ТАШКИЛОТЧИЛАРИ

2.1. Наманган шаҳар Ободонлаштириш бошқармаси “(бундан кейин – «Буюртмачи» деб аталади) - танлов ташкилотчиси ҳисобланади.

«Буюртмачи» манзили: Наманган шаҳар, Оромгоҳ кўчаси, 3-йй

2.2. Танлов “Буюртмачи” томонидан танловлар ўтказиш бўйича тузилган харид комиссияси томонидан ўтказилади

2.3. Танлов Наманган шаҳар Ободонлаштириш бошқармаси -“Буюртмачи” томонидан тузилган харид комиссияси томонидан қонунда тартибда, белгиланган муддатларда ўтказилади.

### 3.ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИЛАРИ

3.1. Танловда мулкчилик шаклидан қатъий назар шу мазмунда иш ва хизматлар кўрсатишга ихтисослашган, камида 1 йил тажрибага эга бўлган барча юридик мақомга эга бўлган ташкилотлар иштирок этиши мумкин.

3.2. Танловда иштирок этиши учун талабгорларга қуидаги малакавий талаблар қўйилади:

танлов предмети қийматининг камида 20 фоизи микдоридаги айланма мабларининг ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк кафолатномаси, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассисларнинг мавжудлиги;

шартномалар тузиш юзасидан фуқоролик-муомала хуқуқий лаёкат ва ваколатлар; танлов обектига ўхшаш обектларда ишлаш тажрибасининг мавжудлиги; ўз кучлари билан илгари бажарилган иш хажмлари тўғрисидаги маълумотлар;

танлов обектида ўз кучлари билан бажариладиган ишларнинг мўлжалланаётган хажми (*50 фоиздан кам бўлмаган холда*);

Низом маблағи микдори.

**3.3.** Агар танлов предмети бўлган ишлар (*хизматлар*)ни бажариш билан боғлик фаолият қонунчиликка биноан лицензиялаштириши зарур бўлса, танловда иштирок этиш учун белгиланган тартибга мувофиқ тегишли лицензияга эга бўлган талабгорларга рухсат этилади.

## **4. ТАНЛОВДА ИШТИРОК ЭТИШ УЧУН ТАКЛИФЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТИШ**

**4.1.** Иштиркчилар ўз таклифларини электрон кўринишда ([etender.uzex.uz](http://etender.uzex.uz)) порталига электрон танловлар ўтказиш учун жойлаштирилиши лозим.

**4.2.** Танлов учун таклифлар ва унга тегишли иловалар ва хужжатлар, маълумотлар «БУЮРТМАЧИ» ва «Иштирокчи» ихтиёрига кўра ўзбек тили ёки рус тилида тақдим этилиши мумкин.

**4.3.** Танлов хужжатларида қуйидагилар тақдим этилиши лозим:

- Техник қисм, «БУЮРТМАЧИ» томонидан қўйилган техник талабларни ва бажариладиган ишва хизматлар кўрсатилиши керак.
- Нархлар қисми, Танлов шартларида белгиланган нархлар доирасида, хизматларни бажариш муддатлари, тўловлар таркиби ва якуний тўловлар ва бошқа боғлик кўрсаткичлар кўрсатилган бўлиши керак.

Танлов иштирокчилари ҳар бир таклифларни яхлит холда тикилган, номерланган ваколатли шахс имзоси ва муҳр билан тасдиқланган холда ёки ҳар бир варағини мухраб тасдиқланган холда тақдим этишлари лозим.

**4.4.** Қуйидаги хужжатлар тўлиқ бўлиши талаб этилади:

- фақат битта таклиф берни мумкин;
- тақдим этилаётган хужжатларнинг ҳақиқийлиги ва маълумотларнинг ҳаққонийлигига тўлиқ жавобгар бўлади;
- таклифлар берниш муддати тугагунга қадар ўз таклифларини қайтариб олиш ёки ўзгартириш киритиш хуқуқига эга.

## **5. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ**

**5.1.** Давлат харидлари тўғрисидаги Қонун талабларини бузган шахслар қонунчиликда белгиланган тартибда жавобгар бўладилар.

**5.2.** Харид комиссияси давлат харидлари бўйича қонунчиликда белгиланган тартибда ғолиб иштирокчиларни аниқлаш ва асосланган қарор қабул қилиш бўйича мажбурдир.

**5.3.** Танлов иштирокчиси тақдим этилган барча хужжатларни ҳақиқийлиги ва тўғрилигига жавобгардир. Ғолиб иштирокчи деб топилгандан сўнг қонунчиликда белгиланган тартибда давлат буюртмачиси билан ўрнатилган тартибда ва муддатларда шартнома тузишга мажбурдир.

## **6. БОШҚА ШАРТЛАР**

**6.1.** Давлат буюртмачиси танлов хужжатларига ўзгартиришлар киритиш түғрисида танловда иштирок этиш учун таклифлар бериш муддати тугайдиган санадан камида уч кун олдин қарор вабул қилишга ҳакли. Товарни (ишни, хизматни) ўзгартиришга йўл қўйилмайди. Бунда ушбу танловда таклифлар бериш тугайдиган муддат танлов хужжатларига ўзгартиришлар киритилган санадан эътиборан камида ўн кунга ўзайтирилиши керак. Шу билан бир вақтда, агар эълонда кўрсатилган ахборот ўзгартирилган бўлса, танлов ўтказиш түғрисидаги эълонга ўзгартиришлар киритилади.

**6.2.** Танлов иштирокчиси танлов хужжатлари қоидаларини танлов ўтказиш учун эълонда белгиланган шаклда тушунтириш талаби билан давлат буюртномасига сўров юборишга ҳакли. Сўров келиб тушган санадан эътиборан икки иш куни ичида давлат буюртмачиси, агар мазкур сўров давлат буюртмачисига таклифлар бериш муддати тугайдиган санадан камида икки кун олдин келиб тушган бўлса, ушбу сўровга белгиланган шаклда жавоб юбориши шарт. Танлов хужжатларининг қоидаларига доир тушунтиришлар уларнинг мазмун-моҳиятини ўзгартирмаслиги керак.